



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
TOSHKENT IQTISODIYOT VA PEDAGOGIKA UNIVERSITETI  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI HUZURIDAGI  
MADANIYATSHUNOSLIK VA NOMODDIY MADANIY MEROS  
ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI**

# **O‘ZBEKISTON XALQLARINING NOMODDIY MADANIY MEROSI: KECHA VA BUGUN**

**MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA  
ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI  
MATERIALLARI TO‘PLAMI**



**2026-yil 14-15-aprel**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA  
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI  
TOSHKENT IQTISODIYOT VA PEDAGOGIKA UNIVERSITETI  
IJTIMOIY FANLAR FAKULTETI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI  
HUZURIDAGI  
MADANIYATSHUNOSLIK VA NOMODDIY MADANIY MEROS  
ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI**

## **O‘ZBEKISTON XALQLARINING NOMODDIY MADANIY MEROSI: KECHA VA BUGUN**

**mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi  
materiallari to’plami**

**2026-yil 14-15-aprel**

**UO‘K: 008 (575.1)**

**398 (575.1)**

**“O‘zbekiston xalqlarining nomoddiy madaniy merosi: kecha va bugun” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. Maqola va tezislari to‘plami. – Toshkent-Chirchiq: Toshkent iqtisodiyot va pedagogika universiteti nashriyoti, 2026. – 280 b.**

Ushbu to‘plamdan O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2026-yil 16-yanvardagi 11-son buyrug‘i 2-ilovasi bilan tasdiqlangan 2026-yilda respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar rejasining 34-bandi ijrosini ta‘minlash maqsadida Toshkent iqtisodiyot va pedagogika universiteti va Madaniyatshunoslik va nomoddiy madaniy meros ilmiy-tadqiqot instituti bilan hamkorlikda o‘tkazilgan **“O‘zbekiston xalqlarining nomoddiy madaniy merosi: kecha va bugun”** mavzusida Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari o‘rin olgan.

**Tahrir hay‘ati:**

1. Nazarov N.N. Falsafa fanlari nomzodi, professor.
2. Abduraxmonova J.N. Tarix fanlari nomzodi, dotsent.
3. Nosirov O. N. Tarix fanlari nomzodi, professor v.b.
4. Rajabov N. O. Ijtimoiy fanlar fakulteti dekani.
5. Begaliyev J. R. Tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
7. Baxriddinov X.Z. Pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
8. Xoliqov B. X. Pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.
6. Soliyev S.Sh. Dotsent
9. Yo‘dosheva M. I. Katta o‘qituvchi
10. Yo‘ldoshev B. R. O‘qituvchi.

**Mas‘ul muharrir:**

Tarix fanlari nomzodi, dotsent A.R. Kayumov.

*Maqola va tezislarning ilmiy saviyasi, ma‘lumotlarning haqqoniyligiga mualliflarning o‘zlari mas‘uldirlar.*

**Maqola va tezislari Toshkent iqtisodiyot va pedagogika universitetining «Ijtimoiy fanlar va jismoniy tarbiya» kafedrasida tahrir etilgan va universitet Kengashi tomonidan nashrga tavsiya etilgan.**

**“TIPU nashriyoti”, 2026.**

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак ўлкада ташкил қилинган бозорларнинг барчасида давлат томонидан ўрнатилган тартиб қоидаларни назорат қилувчи алоҳида шахслар фаолият юритган бўлиб, улар бозорни меъёрда ишлаши ҳамда кундалик ҳаётда юзага келадиган турли муаммоларни ечими билан шуғулланишган. Бозорлардаги савдо муносабатларида ҳамда тозалик масалаларида ҳар бир савдогар ёки раста раҳбарининг зиммасига юклатилган вазифа бўлсада, уларни мумий назорат қилиш органи ҳам фаолият юритган. Бозорлардаги тозалик ва тартиб халқнинг жамоавий озодагарчилик қоидалари ва азалдан амал қилиниб келадиган умумжамоа тартиби мавжуд эканлигини кўрсатади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Annette M. In Russian Turkestan: a garden of Asia and its people. – London, 1903.
2. Anorboyev A. Farg‘onaning qadimgi shaharlari va ularning Markaziy Osiyo tarixida tutgan o‘rni. – Toshkent: Fan, 2022.
3. Olufsen O. The emir of Bokhara and his country. – London: William Heinemann, 1911.
4. Агзамова Г. Ўзбекистон шаҳарлари XVI-XIX асрнинг ўрталарида. – Тошкент: Adad Plyus, 2007.
5. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Москва, 2003.
6. Мадраҳимов З. Кўқон хонлигида савдо муносабатлари тарихи. – Тошкент: Yangi nashr, 2014.
7. Машарипов Қ. Хоразимнинг Ўрта Шарқ ва Европа давлатлари савдо марказлари билан тарихий алоқалари (X – XV асрлар): т.ф.н. учун ёзилган дисс. – Ўрганч, 2004.

#### **ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ – МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАР ТАРИХИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ ОМИЛ СИФАТИДА**

**Жумаева Шоира Бердияровна**

**Чирчиқ давлат педагогика университети**

**E-mail: [shairajumayeva@mail.ru](mailto:shairajumayeva@mail.ru)**

Халқ оғзаки ижоди ҳар қандай миллатнинг маънавий мероси, тарихий хотираси ва маданий қадриятларини ўзида мужассам этувчи муҳим манба ҳисобланади. Айниқса, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар билан боғлиқ тарихий маълумотларнинг халқ хотирасида сақланиб қолишида оғзаки ижод намуналарининг ўрни беқиёсдир. Зеро, халқона қарашлар, ривоятлар, афсоналар, нақллар ва дostonлар орқали муайян зиёратгоҳнинг пайдо бўлиши, тарихи, у билан боғлиқ шахслар ҳамда воқеалар ҳақида маълумотлар авлоддан-авлодга етказилган.

Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар тарихини ўрганишда халқ оғзаки ижоди муҳим этнографик ва тарихий манба вазифасини бажаради. Чунки халқ орасида тарқалган ривоят ва афсоналар муайян зиёратгоҳнинг кимга тегишли экани, унинг муқаддаслик мақомига эришиш сабаблари, шу жой билан боғлиқ

кароматлар ва мўъжизалар ҳақида тасаввурларни шакллантиради. Бундай маълумотлар кўпинча тарихий воқелик билан мифологик қарашларнинг уйғунлашуви асосида шаклланган бўлиб, улар орқали жамиятнинг диний дунёқараши, эътиқодий қарашлари ва маънавий қадриятлари намоён бўлади. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди зиёратгоҳларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий -маданий аҳамиятини очиб беришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, кўплаб зиёратгоҳлар ҳақидаги афсона ва ривоятларда уларнинг шифобахш хусусиятлари, эзгу ниятларни рўёбга чиқарувчи муқаддас маскан сифатида талқин қилиниши кузатилади. Бу эса зиёратгоҳларнинг нафақат диний , балки психологик ва ижтимоий вазифаларни ҳам бажарганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, халқ оғзаки ижоди орқали муқаддас жойларнинг сакраллашув жараёнини кузатиш мумкин. Яъни маълум бир тарихий шахс, табиий объект ёки воқеа вақт ўтиши билан халқ онгида муқаддаслаштирилиб, у билан боғлиқ турли ривоятлар юзага келади. Натижада мазкур ҳудуд зиёрат объектига айланиб, халқнинг маънавий ҳаётида алоҳида ўрин эгаллай бошлайди.

Афсона, асотир ва ривоятлар халқ оғзаки ижодининг энг қадимги жанрларидан бири бўлиб, воқеликни англаш, тушунишга қаратилган тушунча ва тасаввурлари мужассамлашган воқеа ва ҳодисалар бадий тўқима асосида ҳикоя қилади. Афсонада инсоннинг дунё қараши, турмуш тарзи, урф-одатлари ва тарихий ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар акс этади. Жумладан, араблар истилоси натижасида Тошкент воҳасига ислом динининг кириб келиши ва маҳаллий зиёратгоҳлар ҳамда зиёрат маросимларининг ислом ақидалари билан симбиози юз беради. Яъни, барча қадамжо ва зиёратгоҳлар Қуръони Каримда номлари зикр қилинган пайғамбарлар, саҳобалар, халифалар номлари билан боғлиқ ҳолда талқин этила бошланган. Жумладан, нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё ҳудудида Ҳазрат Али номи билан боғлиқ қадамжолар кенг тарқалган бўлиб, халқона қарашларда, афсоналарда мазкур зиёратгоҳнинг вужудга келиши Ҳазрати Али номи билан боғланади. Аммо тарихий маълумотларга кўра, Ҳазрати Али Марказий Осиё ҳудудига ташриф буюрмаган. Шунини таъкидлаш жоизки, Тошкент вилоятидаги Ҳазрати Масжид Али, Ахтам Саҳоба, Заркент ота ва Икрима ота зиёратгоҳлари билан боғлиқ афсоналарда келтирилган шахсларнинг юртимизда бўлганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар мавжуд эмас.

Ривоят – номоддий маданий мерос намуналаридан бири бўлиб, асосан оғзаки хикоя қилиниб, аждодлардан авлодларга халқ хотираси орқали ўтиб келган. Ривоятда бирор тарихий воқеа, ҳодисалар бадий тўқима воситасида ёритиб берилган. Тузилишига кўра ҳажман қисқа, анъанавий шаклга эга бўлмаган асар ҳисобланади. Ривоят билан афсонанинг фарқли жиҳати шуки, ривоятларда афсонага нисбатан тарихийлик устунликка эга бўлса, афсона эса ривоятларга нисбатан фантастик буёқ ва диний элементларга бой бўлади. Ривоятларни мазмунига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тарихий; 2.Топонимик.

Жумладан, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар тарихи билан боғлиқ афсонавий қаҳрамонлар, ислом дини билан боғлиқ саҳобалар, авлиёлар ҳамда тасаввуф таълимоти намоёндалари билан боғлиқ бўлган воқеаларни акс

эттириб, ахлоқ ва одобнинг идеал нормаларини ташвиқ этувчи ривоятлар тарихий ривоятлар ҳисобланади. Занги ота, Шоабдумалик бобо, Шайх Ўмар Вали сингари тарихий шахслар ҳақида яратилган ривоятлар шулар жумласидандир. Тарихий ривоятларни у ёки бу тарихий шахс ёки воқеалар гувоҳи бўлганларнинг, кўрган-билганларнинг эсдаликлари асосида юзага келган дейиш мумкин. Авлиёлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тарихий ривоятлар ўзбек халқи оғзаки ижодида кенг тарқалган бўлиб, улар ёшлар тарбиясида кенг фойдаланилади. Халқона қарашларда авлиёларга нисбатан Аллоҳнинг дўстлари, азизлар, каромат соҳиблари, марди худо, валиюллоҳ, аҳлуллоҳ, мардон, аҳли дил, ориф, дарвешлар сингари сифатлар берилган. Ривоятда келтирилишича: “Бир куни Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам бундай марҳамат қилган эдилар: “Қиёмат куни гуноҳкор банда ўзининг феълидан хижил ва шарманда бўлиб, жаннатдан умидини узган маҳалда Ҳақ таолодан шундай хитоб келади : “Эй бандам, ёруғ дунёда фалон олим ёки фалон орифни танирмидинг?” Банда: “Ҳа танир эдим”, – деб жавоб беради. Шунда Ҳақ таоло: “Жаннатга борғил, сени унга бағишладим”, – дейди. Бас, Худонинг дўстлари– орифлари, азиз-авлиёларни таниш, уларга эргашмоқ, улардан баҳра олиб яшамоқ, қиёматда нажот топиш учун сабаб бўлар экан”. Худонинг дўстларига кўнгилда меҳр-муҳаббат сақлаш, уларнинг қилиқларини ўзлаштирмоқ, уларнинг феълу тутумларига тақлид қилмоқ жуда фазилатли ва фойдалидир[1. Б.18.]

Авлиёлар билан боғлиқ қарашлар халқимизнинг кундалик турмуш тарзига ҳам чуқур сингиб кетган. Жумладан, авлиёлар халқ оғзаки ижоди намуналари ва ёзма манбаларда мўъжизалар яратувчи, турли касблар, деҳқончилик ва чорвачилик ҳомийси (пири), инсонлар ҳаётига таъсир қилувчи чексиз қудрат эгаси сифатида тасвирланган[1. Б.165.]

Муқаддас қадамжо, зиёратгоҳлар ҳамда мақбаралар номи уларнинг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида ҳикоя қилувчи ривоятлар топономик ривоятлар ҳисобланади. Жумладан, Тошкент вилоятидаги машҳур Занги ота зиёратгоҳининг бунёд этилиш тарихи бирор ёзма манбада тўлиқ акс этмаган бўлсада, мазкур зиёратгоҳ бунёд этилиши билан боғлиқ ривоят бугунги кунга қадар яхши сақланиб қолган. Шунингдек, Бекобод тумани Тақачи қишлоғида жойлашган ўрта асрларга меъморчилигига оид Қизил мазор зиёратгоҳи ривоятга кўра Заҳириддин Муҳаммад Бобур томонидан бунёд этилган. Мазкур зиёратгоҳнинг ким томондан ва қачон бунёд этилганлигини бирор ёзма манбада акс этмаган [3. Б.16.]

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Тошкент вилоятидаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар тарихи ўзига хос, бир-бирини такрорламайдиган афсона ва ривоятларга бой бўлиб, асосан, диний ҳиссиётларни шакллантириш ҳамда ёш авлодни ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Муқаддас жойлар, ер, сув, ҳайвонлар, ўсимликлар ҳамда авлиёлар култи билан боғлиқ халқона қарашлар, афсона ва ривоятлар, табобат сирлари одамлар онгида сақланиб, асосан, оғзаки ҳолатда сақланади ва қуйидаги йўллар билан авлодларга узатилади:

- а) кундалик оилавий (умумий) алоқа орқали;
- б) анъанавий “устоз-шогирд” тизими орқали;

с) қадимий усул, яъни ўзаро мулоқот ва ўргатиш орқали.

Шу билан бирга, қадамжо ва зиёратгоҳларнинг тарихи билан боғлиқ ривоятлар, афсоналарнинг ҳар бири маълум бир туман, қишлоқ ҳамда маҳаллаларда яшовчи аҳолининг анъанавий турмуш тарзи ҳамда диний тасаввурларини ифодаловчи манба сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир ҳудуднинг тарихини, афсона ва ривоятларини яхши билувчи кайвони ва оқсоқоллари бўлиб, улар анъанавий қадриятларни кейинги авлодларга етказиб берувчилар ҳисобланади. Афсуски, сўнгги йилларда бундай инсонлар сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида афсона ва ривоятларни йиғиш ҳамда архив фондларида сақлаш заруратини келтириб чиқармоқда.

Хулоса қилиб айтганда, халқ оғзаки ижоди муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар тарихини акс эттирувчи, уларнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва халқ онгида тутган ўрнини ёритувчи муҳим маънавий-тарихий омил ҳисобланади. Ўшбу манбалар орқали нафақат зиёратгоҳлар тарихи, балки халқнинг диний эътиқоди, дунёқараши ва маданий қадриятлари ҳам тадқиқ этилади. Шу боисдан муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни илмий ўрганиш жараёнида халқ оғзаки ижоди намуналарини комплекс таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Остонақулов И. “Авлиёлар султони”, “Туронлик валийлар”. –Т.:“Янги аср авлоди”, 2004.-Б.18.
2. Кныш А.К. “Что в имени?” Определение суфизма как эпистемологическая и идеологическая проблема // Суфизм и мусульманская духовная традиция: тексты, институты, идеи и интерпретации. 2015. -С.165
3. Ашрафхўжаев ва бошқ. Ҳазрати Занги ота ва Соҳибқирон Амир Темур. – Т. “Наврўз”, 2017 й.-Б.16.

### **ХІХ АСРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ЭТНОМАДАНИЙ ВА ЭТНОСЛАРАРО ЖАРАЁНЛАР (ИСХОҚХОН ИБРАТНИНГ “ТАРИХИ ФАРҒОНА” АСАРИ ТАҲЛИЛИ АСОСИДА)**

**Олимов Нодирбек Анваржон ўғли**  
**тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**  
**Андижон вилояти педагогик маҳорат маркази**  
**ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси**  
**кафедраси доценти, Андижон шаҳридаги президент**  
**мактаби тарих фани ўқитувчиси**

#### **Аннотация**

Ушбу мақола Исҳоқхон Жунайдуллоҳхўжа ўғли Ибрат қаламига мансуб „Тарихи Фарғона“ асари ва ундаги этнографик маълумотлар ҳақида ёзилган. Мақолада „Тарихи Фарғона“ асаридаги XIX аср охири XX аср бошларида Фарғона водийсида аҳолисининг этник ҳолати, водийда юз берган этносиёсий, миграцион жараёнлар ҳамда водий шаҳарларининг этнотопонимикаси ҳақидаги муҳим маълумотлар келтирилган.

	Yuldoshvoyeva Xurshida Abdusattor qizi.		
11.	Xo‘jageldiyev Ibodulla Mamaradjab o‘g‘li, Jo‘rayev Jo‘rabek Sherali o‘g‘li	Madaniy merosni asrashda innovatsion yondashuvlar va xalqaro tajriba	42

## II. NOMODDIY MADANIY MEROSNING O‘RGANILISHIDA TARIXIY VA ETNOGRAFIK BILIMLARNING O‘RNI

12.	Darmonova Mashhuraxon Adiljon qizi	O‘zbek kashtachilik an‘analari: kecha va bugun (Parizod Xolmuxamedova faoliyati misolida)	47
13.	Dustmurodov Ma‘rufjon Mansur o‘g‘li	Turk va o‘tukan uyg‘ur xoqonligi bitiglaridagi ba‘zi unvonlar etimologiyasi xususida	50
14.	Jumanazarov Xurshid Sirojiddinovich	Bozorlarda savdo va ozodalikka doir nazorat an‘analari	54
15.	Jumayeva Shoira Berdiyarovna	Xalq og‘zaki ijodi muqaddas qadamjo va ziyoratgohlar tarixini aks ettiruvchi omil sifatida	57
16.	Olimov Nodirbek Anvarjon o‘g‘li	XIX asrda Farg‘ona vodiysida etnomadaniy va etnoslararo jarayonlar (Isxoqxon Ibratning “Tarixi Farg‘ona” asari tahlili asosida).	60
17.	Abduraxmanova Jummagul Namozovna, Rahimberdiyeva Humora Usmonaliyevna	IX–XII asrlarda O‘rta osiyolik allomalarning nomoddiy merosga munosabati	64
18.	Yuldosheva Feruza Yashin qizi	Zardushtiylik dinida ekologik tarbiya va tabiatga munosabat masalalari	67
19.	Bo‘tayeva Nigora Abdumannonovna	Muhammadrizo Ogahiy hayoti va ijodini o‘qitishda konstruktiv yondashuv	70
20.	Abduraxmanova Jummagul Nomazovna, Xasanova Shoxida Sadiriddinovna	Nomoddiy madaniy merosning yoshlar ma‘naviyatini yuksaltirishdagi o‘rni va ahamiyati	75
21.	Muyiddinov Bekali Bahodirivich	Temuriylar davrida yaratilgan manbalar – nomoddiy madaniy merosni aks ettiruvchi muhim omil sifatida	78
22.	Majidov A.F., Majidov A.S.	Buyuk davlat arbobi Bobur Mirzoning davlat boshqaruvi xususida	81